Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
4 май
ЧОРШАНБА
№ 35
(12.359)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛРОҚ ИШЛАШ ТАРАФДОРИ

Вилоят маданият, маънавият ва маърифат марказида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Уни Кенгаш раиси, вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.

Сессия кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Кенгашнинг саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси раисининг ўринбосари Абдулносир Қосимовнинг ахбороти тингланди. Ўртачирчиқ, Янгийўл, Қуйичирчиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳридаги айрим йўл участкаларининг таъмирталаблиги, ажратилган маблағлар тўла ўзлаштирилмаётгани видеолавҳалар мисолида қаттиқ танқид қилинди.

Мазкур масала юзасидан, шунингдек, "Тошавтойўл" давлат ташкилоти ҳамда шаҳар ва туман йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш, фойдаланиш давлат корхонаси, вилоят назорат-тафтиш бошқармасининг қўшимча ахборотлари тингланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала – вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари қабул қилган қарорларнинг қонунийлиги ва уларнинг айримларига прокуратура протест киритаётгани, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун мутасадди шахслар масъулиятини ошириш кераклиги ҳақида вилоят ҳокимлиги ҳуқуқшуноси Одилбой Маҳмудовнинг ахбороти тингланди.

Сессия кун тартибига қўйилган кейинги масала – фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига кўмаклашувчи комиссия аъзоларига бириктирилган ҳудудлардаги вазият ҳақида вилоят кўмаклашувчи комиссияси раиси Баҳодир Тоғаевнинг ҳисоботи тингланди.

Сессияда, шунингдек, вилоят ҳокимлиги тизимида компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ва ривожлантириш, республика Президентининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ижроси ҳамда вилоят "Хотира" майдонини қуриб битказиш, чекка ҳудудлардаги мактабларнинг аҳволини ўрганиш масалалари муҳокама этилди. Шаҳарсозлик қонунларига риоя этилиши масаласи бўйича масъулларнинг ҳисоботлари тингланди.

Сессияда, ташкилий масала кўрилди. Вилоят ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари лавозимига Алимардон Қаршиев тасдиқланди. Ҳокимликнинг оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича котибияти мудири лавозимига Кифоят Эрмуҳамедова, жамоат ва диний ташкилотлар билан ишлаш котибияти мудири лавозимига Нурилла Маҳкамов тасдиқланди.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

БУГУННИНГ ГАПИ



БЎЛАДИГАН БУҒДОЙ БОШОҒИДАН МАЪЛУМ

Экин яшнаса, деҳқоннинг кўнгли яйрайди. Аммо, экиннинг яшнаши, деҳқоннинг яйраши ўзўзидан бўлмайди. Бунинг учун, аввало, ерга қаров, экинга парвариш керак. Парвариш бўлганда ҳам шунчаки эмас, астойдил, билимдонлик билан ўстириш лозим. Акс ҳолда нав қанчалик мақтовли бўлмасин, айтган ҳосилингизни ололмайсиз.



Оққўрғонлик фермер Бурҳон Қурбонов эса айтганини оладиганлардан.

– Экин навига қараб ҳосил беради, деган гапда жон бор-у, бироқ асосий гап парваришда, – дейди Б. Қурбонов. – Кўпчилик фермерлар синалган анъанавий навларни экишади. Биз эса "Нота" навини экканмиз. Ривожи баланд, шиғил бошоққа кирган, ҳар йилгидек 60-65 центнердан кам ҳосил тўкмайди. Давлат эҳтиёжлари учун эса, 30 центнер ҳисобидан ғалла топширамиз. Қолгани хўжалигимиз аъзолариники.

Ҳа, 47 гектардан ўзларига қоладиган буғдойни ҳисоблаб кўриш қийин эмас. Ахир, бу меҳнатга яраша даромад.

– 68 гектардаги ғўзамизнинг ривожи ҳам чакки эмас, – дейди фермер. – Муҳими – биз элита уруғлик пахта етиштирамиз. Ҳар йили гектаридан 35-37 центнер атрофида хирмон уяяпмиз. Буёғини ўзингиз чамалаб кўраверинг,

СУРАТЛАРДА: фермер меҳнатининг самарасидан мамнун; ғўзани культивация қилиш пайти.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 2011 йил 5-6 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Туркманистон ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ИҚТИДОРЛИЛАР КЎРИГИ

Бекобод шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ҳамда маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида шаҳар марказий маданият саройида "Ниҳол" мукофотининг шаҳар саралаш босқичи ўтказилди.

Кўрик-танлов якунларига кўра, рақс йўналишида ғолибликни қўлга киритган тиббиёт коллежи талабаси Анора Алимова, анъанавий хонандалик йўналишида Юлдуз Нурматова, эстрада йўналишида Дилноза Исломова, мусиқа йўналишида Зулфия Каримова "Ниҳол" мукофотининг вилоят босқичига йўлланма олдилар.

Ғолибларга шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлимининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Шохруҳ ҲАКИМОВ.

Вилоят ҳаёти

ГЎЗАЛ, СОҒЛОМ, БАРКАМОЛ

Ангрен шаҳар, "Облиқ" болалар спорт мажмуасида мустақилликнинг 20 йиллигига бағишлаб "Спортимиз маликалари" кўрик-танлови ўтказилди.

Бадиий гимнастика тури бўйича мусобақа Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар бўлими, 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва шаҳар халқ таълими бўлими ҳамкорлигида уюштирилди. Мусобақа якунларига кўра, 33-мактаб ўқувчилари Анора Ҳожибоева, Диана Амед, 34-мактабдан Катя Когай, Озода Бабашева 1-ўринни эгаллашди.

Ғолиб ва иштирокчиларга фахрий ёрлиқ ва дипломлар топширилди.

Ўткир АБДУЛЛАЕВ.

САҲНАДА УСТОЗЛАР ВА САРДОРЛАР

Бўстонлиқ туманининг Чорбоғ шаҳарчасидаги хизмат кўрсатиш ва энергетика касб-ҳунар коллежида "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида устоз ва сардорлар кўрик-танлови ўтказилди.

Танлов шартларига кўра, иштирокчилар "Таништириш", "Ўз иш фаолиятига оид буклет", "Мустақиллик зарварақлари", "Қувноқ стартлар" ҳамда "Эркин мавзу"ларда иқтидорларини намойиш этдилар.

Кўрик-танлов ғолиблари ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

Чарос ПЎЛАТОВА.

ЁШ СПОРТЧИЛАР ЮТУҒИ

Оҳангарон туманидаги Санам транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи қошидаги "Дониёр" спорт клуби аъзолари нафақат ҳудудий, балки вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларда ҳам катта ютуқларга эришмоқдалар.

Ангрен шаҳрида таэквондо бўйича республика биринчилиги саралаш баҳсларининг вилоят босқичида клубнинг икки вакили муваффақиятли иштирок этди. 1-курс ўқувчиси Шаҳноза Эшонқулова шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. 46-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Дилмурод Шерматов фахрли 2-ўринни эгаллади.

Райҳон САЛАЕВА.

ПИЛЛА – 2011

МЎЛ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

Жорий йилда вилоятимиз пиллакорлари бир ярим минг тоннадан ортиқ саноат хом ашёси тайёрлашни мўлжалламоқда

Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида пиллачилик сердаромад тармоққа айланиб бормоқда. Мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш, унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва етиштирилган хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу саноат корхоналари, фермер хўжаликлари ҳамда пиллакорлар учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Айни пайтда вилоятда мавсумга тайёргарлик кўриш, пиллакорларни моддий рағбатлантириш, ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ипак қурти озуқасининг асосий манбаи ҳисобланган тутчиликни ривожлантириш самарасида вилоятдаги умумий тутзорлар 3 минг 609 гектарга етди. Шунингдек, якка қаторга экилган 6 минг 335 туп тут дарахти барча агротехник қоидалар асосида парваришланди. Бундан ташқари, пахта ва ғалла майдонлари, йўл четлари, ариқ ва зовурлар бўйида ҳам янги тутзорлар барпо этилмоқда. Жорий йилда 2 миллион 200 минг тут кўчати экиш режалаштирилган бўлиб, айни пайтгача 800 минг туп тут ниҳоли ўтказилди. Яратилаётган бундай мустаҳкам озуқа захираси келажакда пилла ҳосилининг сифатли ва мўл бўлишини таъминлайди.

– Ипак қурти уруғлари инкубацияларда жонлантирилди ва пиллакорларга 27 минг 250 қути ипак қурти уруғи тарқатилди, – дейди вилоят "Пилла" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раиси Фозил Мусаев. – Жорий мавсумда 15 минг 315 пиллачилик звеноси фаолият кўрсатади. Бу йил вилоят пиллакорлари ҳар қути ипак қурти уруғидан ўртача 60 килограммдан сифатли ҳосил олишни мўлжалламоқда.

Вилоятдаги пиллачилик ва уруғчилик корхоналари томонидан 3 минг 234 фермер хўжалиги билан шартномалар тузилди.

Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.

ЁШЛИК ВА МАҲОРАТ БАЙРАМИ

Вилоятимиз терма жамоаси куни кеча Термиз шаҳрида якунланган "Баркамол авлод – 2011" республика спорт ўйинларидан медаллар шодаси билан қайтди. Ҳаммаси – 21 та. Шундан 6 таси олтин, 3 таси кумуш, 12 таси бронза.

Сурхондарёдан йўлга чиққан поезд белгиланган жадвал бўйича Тошкент вокзалига кириб келди. Перрон бироз чарчаган аммо эришган натижаларидан хурсанд ўсмир ва қизлар билан бир зумда гавжум бўлиб кетди.



Уларни кутиб олишга бағишланган тантанали маросим аввалида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева терма жамоамиз вакилларини қўлга киритган медаллари билан самимий табриклаб, кейинги спорт ўйинларида янада салмоқли ютуқлар ва бундандa кўп медалларга эга бўлишларини тилади.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида ҳар уч йилда бир марта ўтказиб келинаётган "Баркамол авлод" ўйинларида бу сафар вилоятимиздан 66 ўсмир ва қизлар иштирок этишди.

– Кўпгина спорт турлари бўйича жами 21 та медаль ва 7 та кубокни қўлга киритганимизни яхши натижа деб баҳолаш мумкин, – дейди вилоятимиз терма жамоаси бош мураббийи Роҳатали Тожибоев. – Ютуқларимиз бунданда салмоқли бўлиши мумкин эди. Аммо, спорт – бу спорт. Қаердадир омад биздан юз ўгирди, қайсидир турлар бўйича маҳоратимиз бироз етишмади, айрим ҳолларда қатъиятсизлик панд берди. Эътироф этишимиз керакки, айрим турлардан имкониятларимиз даражасидан бироз сустроқ қатнашдик.

Эндиги режамиз – орадан бир-икки кун ўтиб, мураббийлар штабида йиғиламиз, ютуқ ва камчиликларимизни бирма-бир таҳлил этамиз. Уларни бартараф этиш ва янги режалар тузиш учун вақт етарли. Навбатдаги "Баркамол авлод" ўйинлари уч йилдан сўнг Наманган вилоятида ўтказилади. Термизда эришган натижаларимиз салмоғини ошириш учун имкониятларимиз етарли. Маҳоратли спортчи ўсмир ва қизлар ҳар қанча керак бўлса, ўзимизда топилади.

Термиздаги спорт ўйинлари 12 та тур – футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, кураш, белбоғли кураш, катта ва стол тенниси, енгил атлетика, бадиий гимнастика, сузиш ва шахмат бўйича ўтказилди. Мусобақа ташкилий қўмитасининг қарорига мувофиқ, "Баркамол авлод – 2011" республика асосий ўйинлари бошланишидан бир неча ҳафта олдин мамлакатнинг тўртта шаҳрида спортнинг ўйин турлари бўйича ҳудудий саралаш турнирлари бўлиб ўтди. Шундай қилиб, финал ўйинларига энг яхши жамоалар йўл олишди ва медаллар улар ўртасида тақсимланди. Қўл тўпи мусобақаларида қизларимиз муваффақиятли қатнашишди. Ўсмир волейболчиларимиз ҳам вазифаларини уддалашди. Сузувчи, енгил атлетикачи, шахматчиларимиз ўзларини кўрсатишди.



– Мусобақалар юксак даражада ўтиб, том маънода ёшлик ва маҳорат байрамига айланди, – дейди Р. Тожибоев. – Ёшларимиз спортга сидқидилдан интилишяпти ва бу саъй-ҳаракатни қўллаб-қувватлаш зарур. Бундай мусобақалар ҳар қандай тарғибот-ташвиқотдан устун. Ёшларимиз ҳар бир очко, ҳар бир сантиметр масофа ва ҳар бир дақиқа учун астойдил курашдилар.

Курашчиларимиз, катта ва кичик ракетка усталаримиз ҳам бор маҳоратларини ишга солишди. Хуллас, иқтидорли ёшларимиз етарли. Уларни ғалабага чоғлаш ва кўзлаган натижаларга эришиш эса, мутахассислар – мураббий, шифокор ва руҳшуносларнинг вазифаси.

... Вокзал перрони бўшаб, "Баркамол авлод – 2011" ўйинлари иштирокчилари қўлларида медаль, кубок ва даста гуллар билан автобусларга ўтириб, уйларига йўл олдилар. Зеро, уларни шу қисқа муддатда анчагина соғиниб қолган ота-оналари ва дўстлари кутишяпти. Кўплаб ўсмир ва қизлар учун "Баркамол авлод – 2011" ўйинлари медали шундай йирик ва нуфузли мусобақада қўлга киритган биринчи мукофотлари. Уларнинг бундандa салмоқли ютуқлари ҳали олдинда, албатта.

Самад ЙЎЛДОШ.

СУРАТЛАРДА: вилоятимиз спортчиларини кутиб олиш пайти.

Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ



ДЕҲҚОНОБОДДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Илм олишга, касб ўрганишга иштиёқ мустақиллик йилларида камол топаётган янги авлод орзу-интилишлари, руҳияти ва фазилатини белгиловчи мезонларга айланди. Давлат ва жамият эса, шунга яраша шарт-шароитларни яратиш ҳаракатида.

Бу борада амалга оширилаётган дастурлар вилоятимизда юзлаб янги мактаблар, лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши, минглаб билим масканлари мутлақо янги қиёфада қайта тикланиши ёки капитал таъмирланишини таъминламоқда.

Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Бекобод туманининг Деҳқонобод қишлоғида яна бир касб-ҳунар коллежи қад ростламоқда.

– Янги саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежимиз бинолари июнь ойида фойдаланишга топширилади, – дейди билим маскани раҳбари Қаҳрамон Юнусов. – Биз уч йўналиш бўйича, яъни техник-механик, ҳисобчи-аудитор, транспорт воситаларига сервис хизмати кўрсатувчи кичик мутахассислар тайёрлаймиз.

Янги коллеж қурилишини "Қувасой таъмирқурилиш" масъулияти чекланган жамияти бинокорлари жадал суръатлар билан олиб боряпти.

Жўрабек МУРОДОВ.

СУРАТДА: мармар қоплаш усталари Санжар Самандаров билан Комил Маҳамадёров қизғин иш устида.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

XXI аср ва ДУНЁ

«ҚОРА ҚУТИ» ТОПИЛДИ

Атлантика уммонидаги қидирувлар жараёнида Air France авиалайнерининг "қора қути"ларидан бирига тегишли ёзиб олувчи қурилма топилди.

Авиалайнер 2009 йилда Рио-де-Жанейро – Париж рейси чоғида ҳалокатга учраган эди. AFP агентлиги қидирувчиларнинг сўзларига таяниб хабар қилишича, ёзиб олувчи қурилма уммон тубида яхши ҳолатда сақланиб қолган. Ундан олинадиган ахборот ҳалокат сабабларини аниқлаш имконини беради. A330-200 аэробуси бортидаги 228 кишининг ҳаммаси ҳалок бўлган. Улар асосан Франция, Бразилия ва Германия фуқаролари эди.

Ҳалокат юз берган 2009 йил июнда аэробус ноқулай об-ҳаво шароити, шунингдек, техник носозлик, жумладан, тезликни кўрсатувчи қурилма нотўғри ишлагани туфайли уммонга қулаган деб тахмин қилинган эди. Самолётнинг думи, яъни "қора қути"лар ўрнатиладиган қисми топилгач, қутиларнинг ўзини ҳам топишга умид уйғонганди. Иккинчи "қора қути"ни қидириш давом этаяпти.

НИЛ ДАРЁСИДА ПАРОМ ЧЎКИБ КЕТДИ

AFP агентлиги MENA давлат ахборот агентлигига таяниб тарқатган хабарга кўра, Мисрнинг жанубида паром ҳалокатга учрагани муносабати билан камида 43 киши сувга ғарқ бўлди.

Воқеа Бани-Суэйф вилоятида юз берди. Йўловчиларни Нилдан олиб ўтиб қўювчи паром ағдарилиб кетган. Сабаби эса, маълум қилинмаган.

Ҳалокат жойида қутқарувчилар ишламоқда. Агентлик паромда қанча йўловчи бўлганини аниқлай олмаган, шу боис қурбонлар сони ортиши мумкин. Шикастланганлар яқин-атрофдаги шифохоналарга ётқизилмоқда.

НИГОҲ

ЖИНОЯТЧИЛИК ОЛДИДА ҲУКУМАТ ОЖИЗ

Ишонч билан айтиш мумкинки, Қирғизистонда жиноятчилик хуружи энг баланд нуқтасига чиқди. Жиноятчи унсурлар, уюшган гуруҳлар мамлакат ҳаётининг ҳамма соҳаларига баъзан кўпгина сиёсатдонларга нисбатан кучлироқ ва самаралироқ таъсир кўрсатаяпти.

Қолаверса, ҳукуматдагиларнинг ўзлари ҳам гарчи республикадаги жиноятчиликка оид вазият мураккаблигини таъкидласалар-да, афтидан ўзларининг бу масалада ожизликларини тан олгилари келмай, аҳволга умид-ишонч билан қарамоқдалар. Қирғизистон Президенти Роза Отунбоева Баткент вилояти фаоллари билан учрашув чоғида шундай деди: "Айрим минтақадаги жиноятчи доиралар вакиллари ҳокимият, айниқса, маҳаллий ҳокимият органларига кириб олганлар. Улар ҳозир шундай кучга эгаларки, вазиятни пароканда қилишга, миллатлараро тўқнашувларни келтириб чиқаришга қодирлар".

Бундан сал аввалроқ, давлат раҳбари агар вазият шундай давом этаверса, жиноятчилар эртаданоқ вилоят губернаторларини ва бошқа даражадаги раҳбарларни лавозимга тайинлашга ўтадилар деган гапни айтган эди. Унинг фикрича, жиноятчилар ҳокимиятга тенглаша бошлади, энди "қизиллар" ва "қоралар" қоришиб кетган ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимларига ҳам суқилиб киришга ҳаракат қилаяпти.

Изоҳнинг ҳожати йўқ. Ҳамонки, бу кимсаларнинг мамлакат сиёсати жараёнига таъсирини давлат бошлиғининг ўзи эътироф этаётган экан, жиноятчи гуруҳлар вакиллари қай даражага етганларини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳукумат вакиллари вазиятни таҳлил этар эканлар, ҳукумат одамларининг жиноятчи тизимлар билан бирикиб кетиш жараёни Бокиев бошқарган даврдан бошланган экан деган фикрга келмоқдалар. Масалан, муваққат ҳукуматнинг собиқ аъзоси Азимбек Бекназаров айнан шундай деб ҳисоблайди. Сиёсатчининг таъкидлашича, бу масала ҳозир Қирғизистон учун ҳар қачонгидан ҳам долзарб ва муҳим. "Агар Жоқорғу Кенеш партияларидан бири жиноятчилар билан муайян алоқада бўлса, демак, парламентда бу соҳага ҳам таъсир ўтказиш имконияти бўлашиляпти" дейди у.

Бекназаров айтган ўша "таъсир"га "Қирғизнефтгаз" ОАЖ бошқарувининг собиқ раиси, ҳозир эса, халқ депутати Исҳоқ Пирматов жонли мисол бўла олади. Бунинг учун шуни эслатиш кифояки, 2009 йилнинг октябрида, яъни Бокиев даврида "Қирғизнефтгаз" бошлиғи бўлган пайтдаёқ жаноб Пирматов тендер ўтказмай туриб, ОАЖ учун қиймати 8,5 миллион АҚШ долларили бурғулаш ускунасини етказиб бериш тўғрисида "Юнитрейд" фирмаси (аслида бу унинг афиллир компанияси) билан тузилган битимни имзолайди. Нефть қазиб чиқарувчи компания ускуна учун тоннасига 275 доллар ҳисобидан нефть билан ҳақ тўлаши керак эди. Ваҳоланки, нефтнинг амалдаги нархи 420 доллар бўлган. Бундай шартлашув давлат компанияси учун (давлат улуши 85 фоиздан кўпроқ) молиявий таназзул деган гап эди. Негаки, судгача хулоса чиқарган мустақил эксспертларнинг баҳосига қараганда, "Қирғизнефтгаз" кўрадиган молиявий зарар 13,5 миллион доллар, умумий зарар эса 20 миллион доллардан ошарди.

Бундан ташқари, Пирматов "Қирғизнефтгаз"га тиқиштирган бурғулаш ускунасининг нархи 8,5 миллион АҚШ доллари эмас, бор-йўғи 3,7 миллион доллар. Шу боис Пирматовнинг дивидендлар бўйича давлат олдидаги қарзларини "Қирғизнефтгаз"нинг ҳозирги ходимлари тўлашди. Маданиятли мамлакатларда бундай қинғир ишлар учун жиноий тергов иши қўзғатишга одатланилган. Бизда эса И. Пирматовга ўхшаш кимсалар депутатга айланишади. Бугун халқ депутати Исоқ Пирматов Жоқорғу Кенеш мажлисларида сўзга чиқмоқда.

Президент Р. Отунбоеванинг Иссиққўл ва Норин вилоятлари фаоллари билан Бостери қишлоғидаги учрашуви чоғида бош вазир ўринбосари Шомил Отахонов давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари раҳбарлари ўртасида уюшган жиноятчи гуруҳларга алоқаси бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида текширув ўтказишни таклиф этди. Унинг айтишича, погонли, айниқса, генерал погонидаги кишилар жиноятчилар олдида пилдираб юриб, чой-ош ташиса, бирга ўтириб тамадди қилса, бундан-да, уятли нарса йўқ. "Улар виждон ва ор-номусларини йўқотадилар, негаки, халқнинг пули ҳисобига жиноятчиларни боқадилар" деди у.

Аллақачон шундай қилиш керак эди! Тўғри, онда-сонда бундай амалиёт қўлланилаяпти, аммо, натижасиз. Масалан, Қирғизистон ички ишлар вазирининг ўринбосари Мелис Турганбоевнинг таъкидлашича, депутатликка номзодлар ҳужжатларини топшираётган пайтдаёқ "уларни ўрганишди, рўйхат бўйича тадқиқ этишди ва марказий сайлов комиссияси (МСК) ҳамда бошқа тегишли жойларга юборишди (МСК илтимоси билан шундай қилинганди). Нима учун бунга эътибор беришмагани номаълум". Унинг гапига кўра, энди улар депутатлик мақомига ўраниб олганлари боис жавобгарликка тортиш жуда мушкул.

Бош прокурор Кубатбек Бойболов ўзининг ҳеч нарсага кучи етмаслигини тўлиқ тан олади. "Депутатлар таъқибга қарши иммунитетга эгалар, – дейди у. – Фақат парламент ўша иммунитетни бекор қилиш учун овоз берсагина уларни жавобгарликка тортиш мумкин. Янги парламентдаги бир неча кишига қарши жиноий иш қўзғатилган. Айримлари жиноятчиликда айбланишган. Энди биз, янги Конституцияга мувофиқ, уларни судга тортиш учун парламентнинг розилигини олишимиз керак. Бироқ, одатда, парламент бунга розилик бермайди".

"Қўл қўлни танийди, шариат йўлни" деган гап бор. Ўтмишдаги ва бугунги фаолияти жиноят билан боғлиқ баъзи депутатлар бошқа худди шундай "халқ сайлаганлар"ни "сотмайдилар". Ваҳоланки, парламентдаги жиноятчилик қўлами ҳаммага маълум. Масалан, ўғрилар гуруҳининг сайловолди кампанияси учун "нуфузли" жиноятчи Азиз Батукаев кўрсатмаси билан ажратилган пулдан "Ота юрт" сиёсий партияси тўлиқ фойдаланган каби ҳоллар энди ҳеч кимни жаблантирмай қўйган. Таркибига жиноятчи гуруҳларнинг аъзолари кириб олган партиялар вакиллари қарийб ярим йилдан бери парламентда фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу вақт ичида бу вазият доирасида ижобий томонга ҳеч қандай ўзгариш юз бермади. Умуман, яқин орада қандайдир ўзгаришлар бўлишига энди ҳеч ким ишонмайди.

Жайилбек ДАВЛЕСОВ.
Қирғизистон давлат ахборот портали.

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ЭЗГУ ИШ БОҚИЙДИР

Умр инсон учун берилган синов. Унинг саҳифаларини инсонни ҳаётлик давридаги кечинмалари, қилган ишлари ва бошқаларнинг у ҳақдаги таассуротлари бойитиб бораверади. Инсон неча йил яшагани эмас, нималар қила олгани, атрофидагиларга қанчалик наф келтиргани билан қадрланади.



Қисқа, аммо мазмунли умр кечирган Эркин Нурмуҳамедовдан ёркин, тиниқ, илиқ ва ширин хотиралар қолди. Мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ санъатга меҳр қўйди. У мактаб саҳнасида монолог ва қўшиқларни томошабин эътиборини тортиб ижро қилишни эпларди. Тошкент театр-рассомчилик институтининг мусиқали драма ва актёрлик факультетида ўқиди, кейин Қарши давлат мусиқали драма театрида бир оз муддат ишлади.

Унинг иқтидори Шайхонтоҳурдаги маданият уйини бошқариш, ихлосмандларда санъатга муҳаббат уйғотиш, "Ўзбекфильм" киностудиясида ўриндош актёр сифатида кинофильмлардаги ролларга овоз бериш жараёнида яққол намоён бўла бошлади.

Тошкент политехника институтида драма тўгарагини ташкил этиб, ажойиб "Санъат гулдастаси"ни яратга олди. Ўша йиллари "Тошболта ошиқ" комедиясини талабалар саҳнасида қўйиш орзуси туғилди. Роллар тақсимланиб, репитициялар бошланганда Эркин акага осон бўлмади. Талабалар билан соатлаб машқ қилишдан чарчамаган мураббий шогирдларида ролни маромига етказа олишга ишонч уйғотди.

Спектакль тайёр бўлгач, институтнинг мингга яқин одам сиғадиган катта мажлислар залида кўрик бўлди. Ёқимли мусиқа садолари остида парда очилди. Ёш ижрочилар энди аввалгидек қалтираб эмас, профессионал актёрлардек дадил ўйнашди.

Политехника институтида Эркин ака бошлаган ўқитувчилар ва талабалар театри тўгараги ишларини Ўзбекистон халқ артисти Қудрат Хўжаев давом эттирди.

Эркин ака маданий-оқартув техникумида ўн йилга яқин ишлаб, санъатга энди қадам қўйган ёшларга мураббий-устозлик қилди. Ундан таҳсил олган Рустам Расулов, хонанда Расулжон Ўраймжонов ва бошқалар кейинчалик таниқли санъаткорлар бўлиб етишишди. Устоз 1975 йилдан то умрининг охиригача Тошкент савдо техникумида эстетика фанидан талабаларга сабоқ берди. Шогирдлар ҳозиргача устознинг гўзал қиёфаси, мулойим ва чиройли гапириши, берган ёрдами, насиҳатлари ва бошқа фазилатларини эслаб гапирадилар.

Эркин Нурмуҳамедов қисқа фурсат яшаб, кўп инсонларнинг меҳр-муҳаббатини қозона олган чин маънодаги бағри кенг, дилкаш, садоқатли ва фаришталар одам эди. У бошлаган эзгу ишлар унутилмайди.

Ҳожиакбар АБДУРАҲИМОВ,
Тошкент ирригация ва мелиорация институти доценти.
Ҳикмат МАҲСУМОВ,
муҳандис.

ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИ

Сўнгги йилларда йўловчи ташиш хизмати ривожланиб, такомиллашиб бораётгани, транспорт воситалари янгиланиб, янги-янги йўналишлар очилиб, аҳолига қулай имкониятлар яратилаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Бунинг учун вилоят ҳокимлигининг йўловчи транспорти барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

ЙЎЛЛАР РАВОН – МАНЗИЛ ЯҚИН

– Бугунги кунда вилоятимизда 130 та корхона ва ташкилот йўловчи ташиш билан шуғулланяпти, – дейди департамент бошлиғи Эргашали Азизов. – Уларнинг ихтиёрида 4288 та автотранспорт воситаси бўлиб, 498 та йўналишда хизмат кўрсатмоқда. Республика Президентининг "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижроси бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Исузу" русумидаги автобусларидан 728 таси лизинг асосида харид қилинди. 25 та "Исузу" автобуслари пойтахтни вилоят шаҳар ва туман марказлари билан боғловчи йўналишларда қатнай бошлади.

Транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлиги – долзарб масала. Бу департаментнинг доимий эътиборида.

Вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан ҳамкорликда йўловчи ташиш билан шуғулланаётган автокорхона ва автоуюшмалар раҳбарлари ҳамда ҳаракат хавфсизлиги бўйича раҳбар ўринбосарлари иштирокида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масалалари хусусида йиғилишлар ўтказиб, аҳвол таҳлил қилинаяпти, йўл ҳаракати ва йўловчиларни ташиш қоидаларига риоя қилиш учун масъулият кучайтирилаяпти. Ҳозирги кунда автобусларни 19-20 ёшдаги, ҳали етарли тажриба ва малакага эга бўлмаган ҳайдовчилар бошқараётгани сир эмас. Бу албатта, ҳаракат хавфсизлиги талабларига зид. Йиғилишларда бу масалага эътибор қаратилиб, ҳайдовчилар малакаси оширилаяпти.

Йўловчиларнинг бехатар қатнови йўлларнинг текис ва равонлигига ҳам боғлиқ. Лекин вилоятимиздаги ҳамма йўллар талаб даражасида, деб айтолмаймиз. Хусусан, Ангрен шаҳридаги йўллар ҳаракат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайди. Таъмирталаб йўллар йўловчи хавфсизлигини таъминламаслигидан ташқари, янги "Исузу"ларнинг тез ишдан чиқишига сабаб бўлади. Айниқса, Ангрен шаҳридан Янгиобод шаҳарчасига олиб борувчи автомобиль йўли жуда ёмон аҳволда. Департамент Ангрен ҳокимлигига бир неча бор мурожаат қилди. Аммо, бу масалага ҳалигача эътибор қаратилмаётир. Кўйлиқ – Тошовул, Олмалиқ – Бўка (Муротали қишлоғи) Олмалиқ – Учтепа йўналишларининг ҳолати ҳам бундан қолишмайди. Ҳолбуки, йўловчи хавфсизлиги ҳамма нарсадан муҳим.

Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ.

САРДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Бўстонлиқ тумани Сойлиқ қишлоғидаги Бўстонлиқ туризм ва сервис касб-ҳунар коллежида ўқувчиларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш ҳамда ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш мақсадида "Сардор – 2011" кўрик-танлови ўтказилди.

Унда турли гуруҳ сардорлари ўз билимлари, ақлий салоҳияти ҳамда ташкилотчилик бобидаги маҳоратларини синаб кўришди.

Тадбир доирасида сардорлар даромат муаммосини ҳал этиш бўйича таклиф ва ғояларини саҳна кўринишлари орқали намойиш этишди. Танлов натижасига кўра, коллежнинг 101-гуруҳи ғолиб бўлди.

ИННОВАЦИОН ПЕДТЕХНОЛОГИЯ

Чирчиқ тиббиёт коллежида тажрибали инглиз тили ўқитувчиси Феруза Тўлиндибоева ташаббуси ва вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида "Хорижий тилларни ўқитишда инновацион педтехнологиялардан фойдаланиш" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуман касб-ҳунар коллежларининг инглиз тили ўқитувчилари ўртасида тажриба алмашиш, янги инновацион педагогик услубларни ўрганиш мақсадида ташкил этилди. Унда вилоят академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари дарс жараёнида интернет ресурслари ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича тренингларда иштирок этишди.

Конференция қатнашчиларига Буюк Британиянинг British Council таълим ташкилоти тақдим этган қўлланма ва компьютер дисклари тарқатилди.

Саид АСҚАРОВ.

ҚУЛАЙЛИК

КЎП ТАРМОҚЛИ МАЖМУА

Зангиоталик тадбиркор Ботиржон Баҳромов оила аъзолари билан Қизғалдоқ қишлоғи марказида уч қаватли савдо мажмуасини ишга туширди.

Биринчи қаватда озиқ-овқат, дорихона ва болалар дунёси бўлимлари, иккинчи қаватда эркаклар ва аёллар сартарошхонаси, тўй либослари зали ва ошхона аҳолига хизмат кўрсатади. Учинчи қаватдаги айвонда қишки ва ёзги ошхона, қариялар чойхонаси жойлашган.

Янги мажмуада 30 дан ортиқ аҳоли иш билан таъминланди.

Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 10.01.2010 йилдаги № 373-74/2-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Феруза кўчасида жойлашган яшаш майдони 29,32 кв.м бўлган 2 та яшаш хонасидан иборат бўлган 61-уй, 2-хонадон (уй-жой) қўйилмоқда, бошланғич нархи – 50 000 000 сўм.

Аукцион савдосига М. Улуғбек тумани СИБ томонидан 09.08.2010 йилдаги № 2-123/10-сон ижро ҳужжат. асосан, Тошкент вилояти ИИББ ИХХБ майдончасида сақланаётган 2003 йилда и/ч., дав.бел. 10 U 350 АА бўлган "Газ-3110-101" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 8 816 110 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 9 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги автотранспорт ва кўчмас мулк воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 30 июнь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 19 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Оққўрғон тумани СИБ томонидан Оққўрғон тумани ИИБАМТФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 18.03.2010 йилдаги №201-сон ижро варақ. асосан, 2002 йилда и/ч., дав.бел. X165PWM бўлган "ВАЗ-21102" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 7 594 341 сўм. 2. 15.01.2009 йилдаги № 577-сон ижро варақасига асосан, 1995 йилда ишлаб чиқ., дав. бел. X 396 ZNM бўлган "ТИКО" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 885 895 сўм. 3. 24.08.2009 йилдаги № 681-сон ижро варақасига асосан, 1982 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. H 158 KM36 бўлган "Opel Kadet" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 703 673 сўм.

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 28.04.2009 йилдаги № 7241-42/13-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 19-мавзеда жойлашган, 3-хонадан иборат бўлган 32-уй, 48-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи – 53 953 063 сўм. 2. 28.04.2009 йилдаги № 7241-42/13-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 7-мавзеда жойлашган 4-хонадан иборат бўлган 34-уй, 27-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи – 51 707 305 сўм. 3. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 4-мавзеда жойлашган 67-уй, 15-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи – 57 112 404 сўм.

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан 11.01.2010 йилдаги № 87/21-сон ижро ҳужжат. асосан, Файзобод УГТК боҳхона постида сақланаётган, 1992 йилда и/ч., дав.бел. BE 179850 бўлган "Полу прицеп" русумли ярим тиркама воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 21 432 000 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: DB 001 №000003.

ЕРТЎЛАДАГИ АЖАЛ УРУҒИ

Мексика ҳарбийлари мамлакат ғарбидаги Текила шаҳрида синтетик гиёҳвандлик моддалари ишлаб чиқарувчи махфий ертўла-лаборатория борлигини аниқладилар.

AFP агентлигининг шу ҳақда тарқатган хабарида айтилишича, тезкор ҳаракат ходимлари лаборатория ёнидаги омборни тинтув қилиш чоғида бир тонна атрофидаги метамфетамин сунъий гиёҳвандлик моддасини топиб олиб, мусодара қилдилар. Бундан ташқари, омбордан икки тонна кимёвий модда ҳам чиқди. Тахмин қилинишича, у синтетик гиёҳвандлик моддасини тайёрлашда ишлатилар экан.

Агентлик тарқатган хабарга кўра, Текила шаҳрини ўз ичига олган Халиско штатида 2011 йилнинг бошидан буён 25 та махфий лаборатория топилди. БМТ экспертларининг фикрича, синтетик гиёҳвандлик моддаси оммавийликда героин ва кўкнорини аста-секин ортда қолдирмоқда.

БМТ гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг 2010 йил ноябрда чоп этилган маърузасига мувофиқ бундай ривожланиш нафақат Мексика, балки бутун ер юзига таалуқлидир.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Тошкент вилояти Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаси қошидаги "Toshkent viloyati davlat mulkini ijaraga berish markazi" хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, давлат мулкидан янада оқилона фойдаланиш учун қуйидаги шаҳар ва туманларда жойлашган бинолардаги бўш майдонларни ижарага олишни таклиф этади:

№	Объект номи	Манзили	Балансда сақловчи	Шундан бино-иншоот эгаллаган майдон (кв.м)
Олмалиқ шаҳри				
1	Нотураржой	Олмалиқ ш., Навоий кўч., 32-уй	Олмалиқ шаҳар ҳокимияти	645
2	Савдо мажмуаси	Олмалиқ ш., Пиримқулов кўч.	Олмалиқ шаҳар ҳокимияти	5 600
3	Ётоқхона биноси	Олмалиқ ш, Китве кўч., 9-Б уй	Олмалиқ шаҳар ҳокимияти	1 010
4	Ётоқхона биноси	Олмалиқ ш, Китве кўч., 11-уй	Олмалиқ шаҳар ҳокимияти	953
5	"Қурувчилар" маданият уйи	Олмалиқ ш., Интизор кўч., 9-уй	Олмалиқ шаҳар ҳокимияти	800
6	Собиқ 30-болалар боғчаси	Олмалиқ ш, Фарғона кўч., 1-уй	Олмалиқ шаҳар халқ таълими бўлими	910
7	Собиқ 14-болалар боғчаси	Олмалиқ шаҳри, Алпомиш кўчаси	Олмалиқ шаҳар халқ таълими бўлими	1 732
8	Собиқ 20-болалар боғчаси	Олмалиқ ш., Байналминал жанчилари кўч.	Олмалиқ шаҳар халқ таълими бўлими	1 135
9	Сил касаллигига қарши курашиш диспансери	Олмалиқ ш., Фурқат кўч., 11-А уй	Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси	3 382
10	Собиқ талабалар ётоқхонаси	Олмалиқ ш., "Чамбил" маҳалласи	Иқтисомий иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежи	3 451
11	Нотураржой (ярим ертўла)	Олмалиқ ш., Тинчлик кўчаси, 13-уй	Олмалиқ шаҳар ҳокимияти	84
12	Нотураржой (ертўла)	Олмалиқ ш., Наследов кўчаси, 12-уй	Олмалиқ шаҳар ҳокимияти	271
13	Нотураржой	Олмалиқ ш., Ўзбекистон кўчаси, 27-уй	ОАЖ "Олмалиқ ТМК"	158
14	Нотураржой	Олмалиқ ш., Ш. Рашидов кўчаси, 22-уй	ОАЖ "Олмалиқ ТМК"	267
Ангрен шаҳри				
15	Собиқ "Резинотехника" ОАЖ	Ангрен ш. ишлаб чиқариш ҳудудида жойлашган	Ангрен шаҳар ҳокимияти	279 000
16	"Ҳимик" профилактор-рийси	Ангрен ш. и/ч ҳудуди	Ангрен шаҳар ҳокимияти	3 103
17	Собиқ идора биноси	Янгиобод-2	Ангрен шаҳар ҳокимияти	372
18	Тураржой биноси	Ангрен ш., 5/3-даҳа, 1-уй	Ангрен шаҳар ҳокимияти	735
19	Собиқ ички ишлар бўлими биноси	Ангрен ш., Саховат кўчаси, 10-уй	Ангрен шаҳар ҳокимияти	567
20	"Кончи" Маданият уйи клуби биноси	Ангрен ш., "Жигаристон" маҳалласи	Ангрен шаҳар ҳокимияти	826
21	Нотураржой (ярим ертўла)	Ангрен ш., Лебедкова кўчаси, 10-уй	Ангрен шаҳар ҳокимияти	536
22	2 қаватли "Кон бошқармаси" биноси	Ангрен ш., Янгиобод-1 кўрғони	Ангрен шаҳар ҳокимияти	1 550
23	Собиқ Янгиобод боғча биноси	Янгиобод кўрғони Чехов кўч.	Ангрен шаҳар ҳокимияти	511
24	А. Навоий номидаги Маданият марказининг кафе қисми	Ангрен ш., Нуробод кўрғони	Ангрен маданият ва спорт ишлари булими	1 854
25	Марказий шифохонанинг "Онкология" корпуси	Ангрен ш., Дўмент кўрғони, Ўқитувчилар кўч.	Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмаси	900
Бекобод шаҳри				
26	1 қаватли нотураржой биноси	Бекобод ш., Аббосов кўч., 250-уй	Бекобод шаҳар ҳокимияти	353
27	2 қаватли нотураржой биноси	Бекобод ш, С. Раҳимов кўч.	Бекобод шаҳар ҳокимияти	280
28	Нотураржой биноси	Бекобод ш., Мовароуннаҳр кўч.	Бекобод шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси	476
29	1 қаватли қозонхона биноси	Бекобод ш. ишлаб чиқариш ҳудудида жойлашган	Тошкент вилояти Иссиқлик манбаи ишлаб чиқариш корхонаси	139
30	Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи эски биноси	Бекобод ш. ишлаб чиқариш ҳудудида жойлашган	Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи бинолари	4 500
31	Собиқ 7-сонли ёнғин хавфсизлиги биноси	Бекобод ш., Пахтаобод кўч.	Бекобод шаҳар ҳокимияти	259
Чирчиқ шаҳри				
32	Пахта тозалаш цехи биноси	Чирчиқ ш., Корасув кўч., 7-уй	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги хусусийлаштириш бўлими	132
33	Дўкон биноси	Чирчиқ ш., 4 к/н, 6-уй	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги хусусийлаштириш бўлими	1 227
34	Нотураржой	Чирчиқ ш., Ал-Хоразмий кўч., 1-уй	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги хусусийлаштириш бўлими	200
35	Собиқ 5-сонли болалар боғчаси	Чирчиқ ш., Хайдаров кўч.	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги хусусийлаштириш бўлими	2 020
36	Собиқ техникум биноси	Чирчиқ ш., Охунбобоев кўч., 2-уй	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги хусусийлаштириш бўлими	2 024
37	Автобекат биноси	Чирчиқ ш., Кангли кўч.	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги хусусийлаштириш бўлими	20
38	Нотураржой	Чирчиқ ш., А. Навоий кўч., 2-А уй	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги хусусийлаштириш бўлими	51
39	Нотураржой	Чирчиқ ш., А. Темур кўч, 2-А уй	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги хусусийлаштириш бўлими	107
40	Нотураржой	Чирчиқ ш., А. Навоий кўч., 246-уй	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги хусусийлаштириш бўлими	81
41	Сартарошхона биноси	Чирчиқ ш., Трансформаторчилар кўч., 20-уй	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги хусусийлаштириш бўлими	72
42	2 қаватли бинонинг 1-қавати	Чирчиқ ш., 8-кичик ноҳия, 20-уй	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги хусусийлаштириш бўлими	812
43	Нотураржой	Чирчиқ ш., 4-кичик ноҳия, 30-уй	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги хусусийлаштириш бўлими	308
44	Ётоқхона биноси	Чирчиқ ш., Ф. Хўжаев кўч., 1-уй	Чирчиқ ш. Ғишт заводи ХК	1 386
45	Ошхона биноси	Чирчиқ ш., Соҳибкор-33	Чирчиқ ш. Ғишт заводи ХК	448
46	"Ғунча"соғломлаштириш маркази	Чирчиқ ш., Аскоченский кўчаси	Ғунча М-ФК	3 600
47	Собиқ МТМ -14	Чирчиқ ш., 3-кичик ноҳия	Чирчиқ шаҳар молия бўлими	2 500
48	Собиқ МТМ-24	Чирчиқ ш., 10-кичик ноҳия	Чирчиқ шаҳар молия бўлими	1 974
49	Собиқ МТМ-25	Чирчиқ ш., 8-кичик ноҳия	Чирчиқ шаҳар молия бўлими	4 086
50	Собиқ МТМ-38	Трансформаторчилар кўч.	Чирчиқ шаҳар молия бўлими	1 584
51	Собиқ МТМ-16	Чирчиқ ш., 9-кичик ноҳия	Чирчиқ шаҳар молия бўлими	2 365
52	Шахмат шашка клуби биноси	Чирчиқ ш., 3-кичик ноҳия	Чирчиқ шаҳар молия бўлими	384
53	2-сонли собиқ	Чирчиқ ш., (шаҳар боғи)	Чирчиқ шаҳар молия	901
	болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биноси		бўлими	
54	3-сонли собиқ болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биноси	Чирчиқ ш., Садовая кўч.	Чирчиқ шаҳар молия бўлими	5 678
55	Болалар клуби-1	Чирчиқ ш., 9-кичик ноҳия	Чирчиқ ш. молия бўл.	70
56	Болалар клуби-2	Чирчиқ ш., 8-кичик ноҳия	Чирчиқ ш. молия бўл.	115
57	Ўқувчилар ижодиёт маркази биноси	В. Хайдаров кўч, 20-А уй	Чирчиқ ш. молия бўл.	910
58	Маиший хизмат биноси	Чирчиқ ш., Соҳибкор кўч., 33-уй	Чирчиқ Ғишт заводи ХК	658
59	Собиқ лицей биноси	В. Хайдаров кўч.	13-мактаб	1 900
60	Савдо дўкони	Чирчиқ ш., Шимолий кўч., 55-уй	Ғишт заводи ХФ	1 500
61	Нотураржой	Чирчиқ ш., А. Навоий кўч., 244-уй	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги хусусийлаштириш бўлими	301
62	Чойхона биноси	Чирчиқ ш., Рамазон кўч., 156-уй	ЧЭАБЗ М-ФК	212
Оққўрғон тумани				
63	Маданият уйи биноси	Оққўрғон тумани, Дўстлик қ.ф.й.	Оққўрғон тумани ҳокимияти	600
64	Сиғаттоқ	Оққўрғон тумани, Бирлик м.ф.й.	Оққўрғон тумани ҳокимияти	12000
65	Эски боғча биноси	Оққўрғон тумани, Анчи қ.ф.й.	Оққўрғон тумани ҳокимияти	126
66	Эски 13-сонли боғча биноси	Оққўрғон шаҳри, Ҳ. Олимжон м.ф.й.	Оққўрғон тумани ҳокимияти	500
67	Коллежнинг талабалар турар-жойи биноси	Оққўрғон тумани, Толовул м.ф.й.	Қурилиш уй-жой коммунал хизмат ва иқтисод касб-ҳунар колл.	1338,28
68	Собиқ Марказий маданият уйи биноси	Оққўрғон тумани, Охунбобоев кўчаси	Оққўрғон тумани Маданият ва спорт ишлари бўлими	2730
69	Собиқ Маданият уйи биноси	Оққўрғон тумани, Шохруҳия қ.ф.й.	Оққўрғон тумани Маданият ва спорт ишлари бўлими	6000
70	Эски 49-сонли умумтаълим мактаби	Оққўрғон шаҳри, Низомий кўчаси	Туман Халқ таълими бўлими	750
71	Эски болалар боғчаси биноси	Оққўрғон шаҳри, Дўстлик қ.ф.й., Навбаҳор маҳал.	Туман Халқ таълими бўлими	540
Оҳангарон тумани				
72	Нотураржой	Оҳангарон шаҳар 46-даҳа ҳудуди	Оҳангарон туман ҳокимияти	599
73	Умумий ётоқхона биноси	Оҳангарон шаҳар 2-кичик тумани	Оҳангарон туман ҳокимияти	3 215
74	КВП "Узак"	"Узак" КФЙ	КВП "Узак"	320
75	11-сонли умумтаълим мактаби	Оҳангарон тумани Қорахитой ҚФЙ	11-сонли умумтаълим мактаби	180
Бекобод тумани				
76	29-сонли мактаб биноси	Бекобод тумани, Маданият ҚФЙ	29-сонли умумий ўрта таълим мактаби	1 900
77	2-сонли ФАП биноси	Бекобод тумани, Қуноғли ҚФЙ	Бекобод тумани Соғлиқни сақлаш бўлими	32
78	3-сонли ФАП "14-сонли ҚВП Ойбек"	Бекобод тумани, Чаноқ ҚФЙ	Бекобод тумани Соғлиқни сақлаш бўлими	80
79	14-сонли ФАП "14-сонли ҚВП Ойбек"	Бекобод тумани, Чаноқ ҚФЙ	Бекобод тумани Соғлиқни сақлаш бўлими	220
80	18-сонли ҚВП биноси	Бекобод тумани, "Қиёт" ҚФЙ	Бекобод тумани Соғлиқни сақлаш бўлими	250
81	Собиқ Бекобод қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар колл.	Бекобод тумани, Ўзбекистон ҚФЙ	Бекобод қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар колежи	3 200
82	"Жумабозор" қишлоқ маданият уйи	Бекобод тумани, Деҳқнобод ф/у, А. Мирзаев МФЙ	Бекобод тумани Маданият ва спорт ишлари бўлими	1 500
Бўстонлик тумани				
83	4 қаватли ётоқхона биноси	Бўстонлик тумани, Чорбоғ кўрғони, "Дўстлик" маҳалласи	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	4 500
84	Собиқ 4-сонли мактаб биноси	Бўстонлик тумани, Искандар кўрғони	4-сонли умумий ўрта таълим мактаби	1 470
85	10-сонли собиқ мактаб биноси	Бўстонлик тумани, Хондайлиқ қишлоғи	10-сонли умумий ўрта таълим мактаби	900
86	10-собиқ боғча биноси	Бўстонлик тумани, Хондайлиқ қишлоғи	10-сонли умумий ўрта таълим мактаби	868
87	14-сонли собиқ мактаб биноси	Бўстонлик тумани, Қизилсув қишлоғи	14-сонли умумий ўрта таълим мактаби	966
88	15-сонли собиқ мактаб биноси	Бўстонлик тумани, Қоронқул қишлоғи	15-сонли умумий ўрта таълим мактаби	1 816
89	22-сонли мактабнинг собиқ боғча биноси	Бўстонлик тумани, Ғазалкент қишлоғи	22-сонли умумий ўрта таълим мактаби	2 120
90	41-сонли мактабнинг собиқ боғча биноси	Бўстонлик тумани, Яккатут қишлоғи	41-сонли умумий ўрта таълим мактаби	825
91	51-сонли мактабнинг собиқ биноси	Бўстонлик тумани, Қорабой қишлоғи	51-сонли умумий ўрта таълим мактаби	350
92	Силга қарши кураш диспансери, стационар бўлими	Бўстонлик тумани, Ғазалкент ш., Охунбобоев кўч.	Бўстонлик туман тиббиёт бирлашмаси	948
93	Бўстонлик қишлоқ клуби	Бўстонлик тумани, Ғазалкент қишлоғи	Туман Маданият ва спорт ишлари бўлими	1 557
94	Сойлиқ қишлоқ клуби	Бўстонлик тумани, Сойлиқ қишлоғи	Туман Маданият ва спорт ишлари бўлими	1 008
95	Хумсон қишлоқ клуби	Бўстонлик тумани, Хумсон қишлоғи	Туман Маданият ва спорт ишлари бўлими	200
96	Яккатут қишлоқ клуби	Бўстонлик тумани, Бурчмулла қишлоғи, "Яккатут" маҳалласи	Туман Маданият ва спорт ишлари бўлими	96
97	Абай қишлоқ клуби	Бўстонлик тумани, Абай қишлоғи	Туман Маданият ва спорт ишлари бўлими	500
Бўка тумани				
98	Йўлисой собиқ ФАПи	Бўка тумани, Мустақил Ўзбекистон ҚФЙ	Бўка тумани Соғлиқни сақлаш бўлими	40
99	Уккивой собиқ ФАПи	Бўка тумани Бўстон ҚФЙ	Бўка тумани Соғлиқни сақлаш бўлими	60
100	Алжажар собиқ ФАПи	Бўка тумани, Бўстон ҚФЙ	Бўка тумани Соғлиқни сақлаш бўлими	
101	Собиқ ФАПи	Бўка тумани, Жамбул ҚФЙ	Бўка тумани Соғлиқни сақлаш бўлими	40
102	Самарқандовул собиқ ФАПи	Бўка тумани, Туркистон ҚФЙ	Бўка тумани Соғлиқни сақлаш бўлими	80
103	Давлатовул собиқ ФАПи	Бўка тумани, Туркистон ҚФЙ	Бўка тумани Соғлиқни сақлаш бўлими	60
104	Гиштон собиқ ФАПи	Бўка тумани, Туркистон ҚФЙ	Бўка тумани Соғлиқни сақлаш бўлими	80
105	Бўка туман СЭС иситиш қозонхонаси	Бўка шаҳри Магистрал кўч.,	Давлат санитария назорати ва эпидемиология маркази Бўка бўлими	240
106	Болалар боғчаси	Туркистон ф/у	Бўка тумани, 36-сонли мактаб	5601
107	Собиқ 23 -сонли умумтаълим мактаби	Бўка тумани Қашқадарё ф/у	Бўка тумани, 23 -сонли мактаб	4 000
108	50 -сонли умумтаълим мактаби	Бўка тумани Қашқадарё ф/у	Бўка тумани, 50 -сонли мактаб	3 000
Зангиота тумани				
109	Собиқ 21-сонли ўрта мактаб биноси	Зангиота тумани, Ғ.Абдуллаев ж/х, Ўтамуродов кўчаси	Зангиота тумани Халқ таълими бўлими	300
110	Собиқ 13-сонли	Зангиота тумани,	Зангиота тумани Халқ	524
	ўрта мактаб биноси	Навоий а/ф, Навоий кўча	таълими бўлими	
111	Янгиобод КВПнинг фойдаланилмаётган биноси	Зангиота тумани,	Янгиобод КВП	682
112	Ўзбекистон КВПнинг фойдаланилмаётган биноси	Зангиота тумани, Бўзсув КФЙ	Ўзбекистон КВП	126
113	Зангиота болалар шифохонаси	Зангиота тумани, Зангиота КФЙ, А. Темур 5-уй.	Зангиота тумани тиббиёт бирлашмаси	524
114	Зангиота туман ҚТП	Зангиота тумани, Х. Нугмон кўчаси, 6-уй	Зангиота тумани тиббиёт бирлашмаси	3 500
115	Ўзгариш КВПнинг фойдаланилмаётган биноси	Зангиота тумани, Ўзгариш ҚФЙ, Бобур кўчаси	Ўзгариш КВП	240
116	"ТМШ"га қарашли ФАП биноси	Зангиота тумани, Назарбек ҚФЙ, Ғишчилар маҳалласи	Зангиота тумани тиббиёт бирлашмаси	160
117	Чойхона биноси	Зангиота тумани, Қизғалдоқ ҚФЙ, Идора кўчаси	Зангиота тумани ҳокимияти	300
118	"Ittifoq" қишлоқ маданият уйи	Зангиота тумани, Ittifoq ҚФЙ	Зангиота тумани "Маданият ва спорт ишлари бўлими"	223
119	"Туркистон" қишлоқ маданият уйи	Зангиота тумани, Туркистон ҚФЙ	Зангиота тумани "Маданият ва спорт ишлари бўлими"	375
120	Зангиота тумани ДСИ биноси	Зангиота тумани, Катта ўзбек тракти М, 39-уй	Зангиота тумани ДСИ	477
121	Ўза селекцияси биноси	Зангиота тумани, Кўксарой ҚФЙ, Шифобахш сувлар кўчаси	Ўз.Рес.Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	500
Қибрай тумани				
122	Маданият уйи	Қибрай тумани, Оққовоқ ҚФЙ	Қибрай тумани Маданият ва спорт ишлари бўлими	1 250
123	Омборхона ва ферма биноси	Қибрай т., Май ҚФЙ, Қизил шалола кўч.	Қибрай тумани "ТЛЕМЭЛИТА" Ўз. Чорвачилик илмий-текшириш институти	1 400
124	Алоҳида турган ўқув устахонаси биноси	Қибрай т., Янгиобод ҚФЙ, Геофизика кўрғони	Қибрай тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи	700
125	Алоҳида турган ошхона биноси	Қибрай т., Оққовоқ ҚФЙ, Олимлар даҳаси кўч.	Қибрай тумани Агротикорат коллежи	702
126	4 қаватли собиқ ўқув биноси	Қибрай тумани, Янгиобод ҚФЙ	Қибрай тумани Тадбиркорлик коллежи	2 830
127	4 қаватли собиқ тўғуруқ бўлими	Қибрай тумани, Матқрбулов ҚФЙ	Қибрай тумани тиббиёт бирлашмаси	1 343
128	Ўқув биноси	Қибрай тумани, Геофизика кўрғони	Қибрай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи	4 250
129	Ҳаммом	Қибрай тумани, Оққовоқ ҚФЙ. Ботаника кўрғони	Ўзбекистон Ўсимликшунослик ИПИ	200
Қуйичирчиқ тумани				
130	Туман тиббиёт бирлашмаси 2-режали эски турган биноси	Қуйичирчиқ тумани Отажонов ф/х	Туман тиббиёт бирлашмаси	800
131	Мевазор КВП биноси	Қуйичирчиқ тумани Отажонов ф/х	Туман тиббиёт бирлашмаси	680
132	Тўғуруқ комплекси эски турган биноси	Қуйичирчиқ тумани Ўзбекистон 5 йиллиги ф/х	Туман тиббиёт бирлашмаси	2 500
133	3-терапия бўлими бош корпус биноси	Қуйичирчиқ тумани Беруний ф/х	Туман тиббиёт бирлашмаси	1 699
134	Собиқ Беруний ш/х Идора биноси	Қуйичирчиқ тумани Беруний ф/х	Туман тиббиёт бирлашмаси	1 240
135	4-сонли мактаб қарашли УПК биноси	Қуйичирчиқ тумани Ўжакент ж/х	Туман Халқ таълими	500
136	5-сонли мактабга қарашли МТМ биноси	Қуйичирчиқ тумани Дўстлик ж/х	Туман Халқ таълими	1 200
137	8-сонли мактабга қарашли МТМ	Қуйичирчиқ тумани Дўстлик ж/х	Туман Халқ таълими	890
138	13-сонли мактабга қарашли МТМ	Қуйичирчиқ тумани Кўрғонча қишлоғи	Туман Халқ таълими	900
139	24-сонли мактабга қарашли МТМ	Қуйичирчиқ тумани, Пахтани ф/у	Туман Халқ таълими	1 200
Паркент тумани				
140	19-сонли мактабнинг эски биноси	Паркент тумани, Невич қишлоғи	19-сонли умумий ўрта таълим мактаби	263
141	Шампан касалхонаси	Паркент тумани, Шампан қишлоғи	Паркент тумани Марказий шифохонаси	933
142	26-сонли мактабни эски биноси	Паркент тумани, Қорақалпоқ қишлоғи	26-сонли умумий ўрта таълим мактаби	180
143	Бостирма ва иншоотлар	Паркент тумани, Қорақалпоқ қишлоғи	Паркент -Қорасув ИТБ	800
144	Нотураржой биноси	Паркент тумани, Қорақалпоқ ҚФЙ, Ёшлик кўрғони	Эгасиз	312
145	Нотураржой биноси	Паркент тумани, Қорақалпоқ қишлоғи	Паркент туман ҳокимлиги	210
146	Нотураржой биноси	Паркент шаҳар, Истиқбол кўрғони	Паркент туман ҳокимлиги	530
147	Нотураржой биноси	Паркент тумани, Қорақалпоқ ҚФЙ, Ёшлик кўрғони	Паркент туман ҳокимлиги	949
148	Қозонхона	Паркент шаҳри, Истиқбол кўрғони	Вилоят иссиқлик манбаи ИНБ	120
Пискент тумани				
149	Нотураржой	Пискент ш., А. Темур кўч.,	Пискент тумани ҳокимлиги	1 330
150	Собиқ 4-мактаб биноси	Пискент т., О. Тоға кўч., 3-уй	Пискент тумани ҳокимлиги	293
151	Собиқ ҳарбий ўқув полигони	Пискент т., Саид ҚФЙ	Пискент тумани ҳокимлиги	—
152	Собиқ 3-сонли мактаб биноси	Пискент ш., Дилафкор кўч,	Туман халқ таълими бўлими	930
153	Собиқ 10-сонли мактаб биноси	Пискент т., Оқтепа ҚФЙ	Туман халқ таълими бўлими	940
154	Поликлиника	Пискент т., А. Темур кўч,	Соғлиқни сақлаш бўлими	555
155	Нотураржой	Пискент ш., Бобур кўч.,	Адлия бошқармаси	210
156	Болалар дам олиш маскани	Пискент т., Оқтепа ҚФЙ	Пискент Пахта тозалаш заводи ОАЖ	2 200 2 200
157	Стадион	Пискент т., Ўзбекистон ҚФЙ	Балансда сақловчи мавжуд эмас	—
158	Клуб биноси	Пискент т.,	Балансда сақловчи	800
159	Шийпон	Кориз ҚФЙ Пискент т., И. Ҳайдаров ҚФЙ	мавжуд эмас Балансда сақловчи мавжуд эмас	180
160	Боғча биноси	Пискент т., И. Ҳайдаров ҚФЙ	Балансда сақловчи мавжуд эмас	2 762
Ўртачирчиқ тумани				
161	Собиқ "Ўртачирчиқ" ОАЖ маъмурий биноси	Дўстлик кўч.	Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги	886
162	Собиқ Нажот шифохона бино ва иншоотлари	Ангор ҚФЙ	Туман тиббиёт бирлашмаси	2 013
163	Тошкент вилояти Сил касалликлар шифохонаси катталар бўлимининг фойдаланишда бўлмаган бино ва иншоотлари	Илғор Қ.Ф.Й.	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси	2 212
164	5-мактабгача таълим муассасаси	Тўйтепа шаҳри	Туман Халқ таълими	1 240
165	15-мактабгача таълим муассасаси	Қорасув ҚФЙ	Туман Халқ таълими	1 230
166	17-мактабгача таълим муассасаси биноси	Пахтакор ҚФЙ "Гулистон" маҳалласи	Туман Халқ таълими	852
167	27-мактабгача таълим муассасаси	Бектемир ҚФЙ	Туман Халқ таълими	1 668
168	4-умумтаълим мактабининг фойдаланишда бўлмаган эски биноси	Тўйтепа шаҳри	Туман Халқ таълими	300
169	19-умумтаълим мактабининг фойдаланишда бўлмаган эски биноси	Истиқлол ҚФЙ	Туман Халқ таълими	390
170	57-умумтаълим мактабининг фойдаланишда бўлмаган эски биноси	Истиқлол ҚФЙ	Туман Халқ таълими	550
171	59-умумтаълим мактабининг фойдаланишда бўлмаган эски биноси	Ким Пен Хва ҚФЙ	Туман Халқ таълими	1 160
172	61-умумтаълим мактабининг фойдаланишда бўлмаган эски биноси	Йўҳинқорли ҚФЙ	Туман Халқ таълими	252
Чиноз тумани				
173	25-сонли мактабгача тарбия муассасаси	Чиноз тумани, А. Навоий ҚФЙ	Чиноз ХТММ	850
174	34-сонли мактабгача тарбия муассасаси	Чиноз тумани, Гулзоробод ҚФЙ	Чиноз ХТММ	670
175	22-сонли мактабгача тарбия муассасаси	Чиноз тумани, Эшонобод ҚФЙ	Чиноз ХТММ	380
176	9-сонли мактабгача тарбия муассасаси	Чиноз тумани, Эски Тошкент ҚФЙ	Чиноз ХТММ	490
177	16-сонли мактабгача тарбия муассасаси	Чиноз тумани, Эски Тошкент ҚФЙ	Чиноз ХТММ	490
178	19-сонли мактабгача тарбия муассасаси	Чиноз тумани, Яллама ҚФЙ	Чиноз ХТММ	350
179	10-сонли мактабгача тарбия муассасаси	Чиноз тумани, Олмазор ҚФЙ	Чиноз ХТММ	90
180	27-сонли мактабгача тарбия муассасаси	Чиноз тумани, Ислоҳот ҚФЙ	Чиноз ХТММ	280
181	3-сонли мактабнинг эски биноси	Чиноз тумани, Яллама ҚФЙ	3-сонли умумий ўрта таълим мактаби	890
182	22-сонли мактабнинг эски биноси	Чиноз тумани, Кўтарма ҚФЙ	22-сонли умумий ўрта таълим мактаби	280
183	47-сонли мактабнинг эски биноси	Чиноз тумани, Туркистон ҚФЙ	47-сонли умумий ўрта таълим мактаби	960
184	Эски боғча биноси	Чиноз тумани, Ўзбекистон ҚФЙ Сутчилар маҳалласи	Чиноз туман ҳокимлиги	410
185	Эски идора биноси	Чиноз тумани, Туркистон ҚФЙ	Чиноз туман ҳокимлиги	160
186	Ёғочни қайта ишлаш цехи	Чиноз тумани, Эшонобод ҚФЙ	Чиноз туман ҳокимлиги	350
187	Эски боғча биноси	Чиноз тумани, Ўзбекистон ҚФЙ, Сутбулоқ бўл.	Чиноз туман ҳокимлиги	400
Юқоричирчиқ тумани				
188	Собиқ болалар боғчаси	Арғанни Қ.Ф.Й.	Ҳокимият	1 050
189	Нотураржой биноси	"Наврўз" Қ.Ф.Й.	Эгасиз	1 670
190	"Ғунча" боғчаси	Сурангент Қ.Ф.Й. Иттифоқ маҳалласи фаолият кўрсатмаяпти	Юқоричирчиқ ХТММБ	210
191	Юқоричирчиқ тумани ФАП Навоий	Юқоричирчиқ тумани, Ўзбекистон кўчаси	Туман тиббиёт бирлашмаси	50
Янгийўл тумани				
192	Собиқ 18-сонли болалар боғча биноси	Янгийўл шаҳар, Янги ҳаёт кўрғони	Янгийўл шаҳар ҳокимлиги	1 500
193	17-сонли мактабгача таълим муассасаси биноси	Янгийўл шаҳар, Заря кўрғони	17-сонли мактабгача таълим муассасаси	1 413
194	Ондус ҚК биноси	Янгийўл шаҳри, Қатартол кўч.	Янгийўл шаҳар ҳокимлиги	9 500
195	10-сонли умумий ўрта таълим мактаби биноси	Янгийўл тумани, А. Ортиков КФЙ	Янгийўл туман Халқ таълими бўлими	336
196	22-сонли умумий ўрта таълим мактаби биноси	Янгийўл тумани, Шўралисой КФЙ	Янгийўл туман Халқ таълими бўлими	400
197	23-сонли умумий ўрта таълим мактаби биноси	Янгийўл тумани, Ниёзбош КФЙ	Янгийўл туман Халқ таълими бўлими	244
198	Халқобод Маданият саройи	Янгийўл тумани, Халқобод КФЙ	Янгийўл тумани, Маданият ва спорт ишлари бўлими	580
199	Собиқ болалар шифохонаси биноси	Янгийўл тумани, Халқобод КФЙ, Халқобод кўрғони	Янгийўл туман тиббиёт бирлашмаси	820

Қўшимча: Зангиота тумани, Назарбек қўрғони, Лойиҳачи кўчаси, 7-уйда жойлашган "Пресстиж Матлуботинвест" шўъба корхонасига қарашли бўш турган бино-иншоотлар, омборхоналар, музлаткич камералари (озиқ-овқат ва ноозиқ овқат маҳсулотларини сақлаш учун) ижарага берилади (маълумот учун телефон (+99897) 444-06-94).

Ижарага олиш бўйича қўшимча маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси биносида жойлашган "Toshkent viloyati davlat mulkini ijaraga berish markazi" ДУК (11-қаватнинг 11-хонаси)дан ёки 259-22-18 (факс), 259-21-46 телефон рақамларига мурожаат қилиш орқали олишингиз мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй.

Ижара шартномасига коммунал ва хизмат кўрсатиш тўловлари кирмайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг | Тел: 233-08-34 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ИНСОН ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

ЎЗИНГ МЕНИНГ УЛУҒЛАРДАН УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ...

Кўҳна тарих сир-синоатларга тўла. Не-не замонлар қатида армонлари тахланиб қолган, хокию, руҳи юртидан айро бўлган ўғлонлари йўлига илҳақ Ватан, мана 20 йилдан буён эрк қуёшига юз тутган. Кеч бўлсада ўз Ватанига қайтган, армонлари ушалган руҳлар, сиймолар! Энди улар хотираси қадру эъзоз ардоғида. Бундай кунлар шукуҳини бутун вужуди билан ҳис этган, ёниқ сўз эгаси, оташнафас шоир Муҳаммад Юсуф шундай деган эди:

"Қадим Олтин бешик
авлоди масканисан,
Алишерлар, Улуғбеклар
ватанисан.
Яшнагани – ўз аслига
қайтганисан,
Турон юртда ёнсин қайта
сўнган чироқ,
Иншааллоҳ!

Алла айтсанг айвонингда
ухлар қуёш,
Сенга мудом иймон
йўлдош, Ислом
йўлдош,
Бор бўлсин шу қирқ ўрим
соч, ўсмали қош,
Оқ яктагу беқасам тўн,
шоҳи белбоғ,
Иншааллоҳ!

Эрку озодлигимизга беадад шукроналар келтирган юрт ўғлони бугун, афсус, орамизда йўқ. Фоний дунёни айни гуркираган ёшида тарк этган шоир бугунги қутлуғ кунларни, 20 йиллик зафар чўққиларини янада авж пардаларда куйлаётган бўларди, шубҳасиз. Аҳол, унинг эзгу орзуниятлари, оташ нафаси ўзи ёзиб кетган ўлмас сатрларда яшамоқда. Мухлислари тилларида янграмоқда.

Вилоят педагогика коллежида шоирнинг таваллуд кунига бағишлаб ўтказилган "Муҳаммад Юсуф қалбимиз ардоғида" маънавий-маърифий тадбир фикримизнинг исботи. Шоирнинг "Ўзбекистон", "Ватан", "Ўзбекмомо", "Чаманистоним", "Ватанни севинг", "Ўзбекман", "Ифтихор", "Тошкент", "Дўппи", "Белбоғ" каби миллий, маънавий қадриятларимизни улуғловчи, истиқлол неъматлари, эрк ва озодликни куйловчи ёниқ шеърлари ўқувчилар ижросида эзгулик таронаси каби янгради, дилларга завқ-шавқ бағишлади. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, оҳангаронлик хонанда Тошпўлат Маткаримовнинг шоир ҳақидаги хотиралари, "Оқ тулпорим", "Устозлар" қўшиқлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

– Муҳаммад Юсуф билан унинг шоирлигини мен, менинг қўшиқ шайдоси эканлигимни у ҳали билмасдан аввал дўстлашиб қолганмиз, – дейди хонанда. – Ўзи Ўзбекистондан бошқа юртга чиқмаган, лекин ўз Ватани гардини жаннатларга алишмайдиган оташин ватанпарвар эди. Бетакрор инсоний фазилатлардан сўзлагувчи шеърларининг барчаси қўшиққа айланганлигида ҳам улуғ бир ҳикмат бордек...

– Коллежимиз ўқувчилари ҳар соҳада билимдон, интилувчан ёшлар, – дейди мусиқа кафедраси мудири Акбарали Шокиров. – Юртбошимизнинг "Биз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак" деган сўзлари коллежимиз ўқитувчиларининг кундалик шиорига айланган. Маданият, санъат, адабиётга ошно ёшларимиз кўп. Бугунги тадбиримизда иштирок этган зукко, беқиёс ғайрат, иқтидор эгаларининг чиқишларини ўзингиз кўриб, гувоҳи бўлдингиз. Уларнинг шоир шахсига, ижодига бўлган қизиқиши, ҳурматини, муҳаббатини Ватанга, ўз халқи, юртига бўлган чексиз меҳр, садоқат рамзи деб тушуниш керак. Зеро, ҳар бир сатри Ватан меҳри ила йўғрилган шеърларни юракдан, иштиёқ билан ижро этаётган ёшлардан умидимиз катта. Бугунги хотира тадбиримиз, аввалгиларига ўхшаб сермаҳсул, жўшқинлик билан ўтганидан хурсандман.

Илк дафъа коллеж ҳудудига қадам қўйган киши пойига тўшалган ажойиб гуллар, таги чопилиб, орасталанган коллеж боғи ва гулзорига кўзи тушади-ю, нозик-таъб, ғайратли ўқувчиларнинг ҳафсаласи, дидига тан беради. Ахир яшил оламни, турфа гулларни севувчи ёшлар юртимиз келажаги.

– Бу йил коллежимизни 354 ўқувчи битиради, – дейди директор Акмал Ражабов. – 1072 ўғил-қизларимиз таълим-тарбия олмоқда. 8 та кафедра ўз режасига кўра фан ойликларини ўтказиб туради. 240 ўринли ётоқхонамиз бор. 16 мингдан зиёд китобга эга ахборот-ресурс маркази ўқувчилар хизматида. Ёшларнинг бўш вақтлари китоб ўқиш, кўчат экиш, гулларни парваришлаш билан ўтади. Вилоят ва республика миқёсида турли танловларда иштирок этиб, яхши натижаларга эришаётган ёшларимиз бизнинг фахримиз. Яқиндагина "Наврўз ва қадриятлар" республика танловида 3-ўринни эгаллаган 2-босқич талабаси Муқаддас Болтабоеванинг чиқишларини бугун ўзингиз кўрдингиз. Қадриятларимизни қадрлайдиган истиқлол фарзандлари келажагидан кўнглимиз тўқ.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.



ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ САМАРАСИ

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва оммавийлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар ўз мевасини бера бошлади. Бугунга келиб, дунёнинг турли чеккаларида ўтаётган халқаро турнирлар, қитъа ва жаҳон чемпионатларида ўзбекистонлик спортчиларнинг совриндорлар сафидан жой олиши одатий ҳолга айланиб қолди.

Эътиборлиси, бундай йигит-қизларнинг ғайрат-шижоати, интилиш ва изланишлари бошқа ёшлар учун ҳам ибрат бўлмоқда. Шундай иқтидор эгаларидан бири зангиоталик Руслан Макаровдир. У оғир атлетика бўйича катталар ўртасида Хитойда ўтказилган Осиё чемпионатида иштирок этиб, бронза медали соҳиби бўлди. Туманнинг Убай Мусай ўйингоҳида ўз маҳоратини ошираётган Руслан чемпионатда даст кўтариш бўйича 114, силтаб кўтаришда эса 140 килограмм оғирликни забт этди.

– Бу нафақат менинг, балки мураббийим Радион Шегайнинг ҳам машаққатли меҳнати натижасидир, – дейди у. – Эндиликда мен ўз устимда кўпроқ ишлаб, бунданда юқори кўрсаткичларга эришишга ҳаракат қиламан.

Ирода МАҚСУД қизи.

СУРАТДА: Руслан Макаров яна шоҳсупада.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЧЕГАРА

ХУДБИНЛИК СЎҚМОҚЛАРИ

Ҳаёт сўқмоқлари хилмахил. Эгри-бугри, баланд-паст. Юрт чегараларида ҳам ўзига хос сўқмоқлар оз эмас. Ҳатто, худбинлик сўқмоқлари ҳам бор. Одатда улар шундай ўйдим-чуқур бўладики, қоқилмасликнинг иложи йўқ. Худбинлик сўқмоғида қоқилган одам эса, йиқилмай қолмайди. Қуйида қоқилиб, йиқилган айрим чегарабузарлар билан таништирамиз.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Шуҳрат Рустамов беш-олти ҳамтовоқлари билан Бекобод тумани Ўратепа қишлоғи яқинида Тожикистон томонга чегара қонун-қоидаларини бузиб ўтаётганда ҳаққон чегарачилар қўлига тушди. Шериклари қўшни ҳудудда яширинишга улгуришди.

Ҳали 20 ёшга тўлиб-тўлмаган бекободлик Шуҳрат ўзга юртга ҳар хил мебеллар ясаш учун ишлатиладиган тахталарни олиб ўтмоқчи экан.

Шу тумандаги Янгибозор қишлоғи яқинида "Урал" русумли давлат рақами йўқ мотоциклда чегарадан ноқонуний йўл билан Тожикистонга ўтишга уринган номаълум кимсанинг хатти-ҳаракатлари сергак чегарачиларни ҳушёр торттирди. Уларнинг тезкор ҳаракатларидан сўнг шубҳали шахс мотоциклини юк-пуки билан ташлаб қочди. Текширувда ўғрилик юки 560 минг сўмлик 400 литр дизель ёнилғиси эканлиги маълум бўлди.

Чегара наряди ходимлари кузатувлар чоғида бир номаълум одам резина қайикда Тожикистонга ўтишга ҳаракат қилаётганини кўриб қолишди. Оқибати нима билан тугашини яхши билган қоидабузар қайиқни ташлаб, жуфтакни ростлаб қолди.

Одамлар чегарадан нималарни яширинча олиб ўтишга уринишмайди дейсиз. Номаълум кимсалар 150 килограмм пиёзни Бекобод тумани Дўнговул қишлоғи яқинида Тожикистонга олиб ўтишга уринаётганларида чегарачилар таъқибига дуч келишди-ю, юкни ташлаб, қўшни ҳудудда яширинишди.

"Москвич-Комби" русумли, давлат рақами йўқ машина оғир юк билан пасткам жойлардан Тожикистон томон йўл олди. Аммо, йўл ҳар қанча чалкаш бўлмасин, зийрак чегарачилар нигоҳидан яширолмади. Худбинлик сўқмоғини танлаган бу кимса, 1 миллион 680 минг сўмлик помидорни машинаси билан ташлаб қочиб, Тожикистон чегарасида жон сақлашга мажбур бўлди.

Бекобод туманидаги чегара наряди аъзолари Тожикистонга 600 литр дизель ёнилғисини ноқонуний олиб ўтишга уринган икки-уч номаълум кимсаларнинг йўлига ҳам шу тариқа ғов солишди.



НОЗИК КЕЧИНМАЛАР ИФОДАСИ

Кўҳна Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йил аввал суякдан ясалган най чолғу асбоби топилгани она заминимизда мусиқа санъати азал-азалдан ривожланганини исботлайди. Зеро, мусиқа инсонни руҳий камолотга етаклайди.

Машҳур тарихчи Шарофиддин Али Яздий ҳам ўзининг "Зафарнома"сида мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, уларда турли халқ вакиллари иштирок этиб, куй-қўшиқлар айтишганини таъкидлайди. Дарҳақиқат, мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади.

Мустақиллик йилларида айниқса, мусиқа санъатини кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш уни ёш авлодга янада мукаммал ўргатиб, келажак давомчиларига безавол етказиш мақсадида кўплаб кўрик-танловлар, нуфузли халқаро анжуманлар ўтказилмоқда. Чирчиқ шаҳридаги П.И.Чайковский номидаги 15-Болалар мусиқа ва спорт мактаби қошида "Истеъдод" ўзбек халқ чолғулари оркестри ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмаса-да, жамоа эришаётган ютуқлар айтишга арзигулик.

– "Истеъдод" жамоаси 13 кишидан иборат, – дейди оркестр директори Нилуфар Исроилова. – Биз Абдукарим Абдуназаров сингари устозлар ҳамда Аҳрор Норметов каби маҳоратли мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Шундан бўлса керак оркестримиз илк марта вилоят миқёсида ўтказилган "Болалар баҳори" фестивалида ўз дастури билан иштирок этиб, 25 та жамоа ичида кучли саккизликдан жой олди.

"Истеъдод" Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўтказилган "Ўзбек халқ чолғулари ансамбли" республика фестивалида ҳамда "Республика кўп овозли ўзбек халқ чолғулари ансамбли" тадбирларида ҳам фаол иштирок этиб, дипломлар билан тақдирланди. Вилоят шаҳар ва туманларидаги турли байрамлар ҳам уларсиз ўтмайди. Мустақиллик тантаналари бўладими, Наврўзи олам шодиёналарими, оркестр аъзолари доим хизматда.

Дарвоқе, шу йил март ойида Янгийўл шаҳридаги 22-Болалар мусиқа ва санъат мактабида уюштирилган М. Қориёқубов номидаги "Ёш созандалар" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда оркестрнинг ўзбек халқ чолғулари бўлими ўқувчилари қатнашиб, 1-ўринни эгалладилар. Ҳозир улар танловнинг Қарши шаҳрида бўлиб ўтадиган республика босқичига қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

– Дутор чалишга ёшлигимдан қизиқаман, – дейди оркестр аъзоси Шаҳноза Саидмуҳаммедова. – Шунинг учун бу ерга келиб, бу чолғунинг сир-асрорларини ўрганишга қарор қилдим. Қароримга ота-онам хайрихоҳлик билдиришди. Оркестрда Жасурбек Эшмуродов, Зебо Матёқубова, Шерзод Тошматов каби мусиқага чанқоқ ёшлар санъатнинг сир-синоатларини мукаммал эгаллашмоқда.

Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: кўрик-танловга тайёргарлик авжида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

КЎЗА СИНГАН КУН

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди "Илм шўъласи" масъулияти чекланган жамият ҳудудида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор Баҳодир Толиповни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 189-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбли деб топди. 22 миллион 607 минг 500 сўм миқдорида жарима солиниб, шу Кодекснинг 45-моддасига асосан Баҳодир Толипов бир муддатга тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Иш юзасидан далилий ашё деб эътироф этилган 23 миллион 272 минг 200 сўмлик китоб, журнал ва бошқа буюмларни йўқ қилиш хусусида ҳукм чиқарилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун катта-катта имтиёзлар яратилаётган бир пайтда суд шундай кескин ҳукм чиқаришга мажбур бўлди. Нега шундай қилинди? Тадбиркор қандай қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйди?

Баҳодир Толипов ижтимоий меҳнат, аниқроғи тадбиркорлик фаолиятини кеча бошлаган, ҳали "ақл тиши" чиқмаган ўсмир бола эмас. Ёши бир жойга бориб, оқ-қорани обдон таниган. Лекин "қора"ни "оқ"лаб, пул топиш ҳамиша ҳам силлиқ кечмайди. Кўза кунда эмас, кунида синади, ахир. Унинг хуфиёна тадбиркорлик кўзаси 2010 йил 2 сентябрь куни синди. Ўша куни жами 6300 сўмлик китобчалар олган бир харидор билан ҳисоб-китоб қилиб бўлгач, дўконга уч киши кириб келди.

– Солиқ идорасиданмиз, – дейишди улар гувоҳномаларини кўрсатиб, текширув ўтказиш хусусидаги буйруқ билан тадбиркорни таништиришди.

Улар сотувга қўйилган китоб ва журналларни, тушумни текширишга киришишди.

– Ҳалиги харидорга "Меркурий" ҳисоб-китоб машинасида чек уриб бергандим, – деди судда тадбиркор.

Лекин унинг кейинги изоҳлари кишини лол қолдиради. Буни қарангки, нақд савдо тушуми унинг иштирокида санаб кўрилганида, кассада 695 минг сўм борлиги аниқланди. Ҳолбуки, шу куни текширув бошлангунича НКМ хотирасига бор-йўғи 22 минг 300 сўм миқдоридаги тушум пули киритилган бўлиб чиқди. Демак, 673 минг 300 сўм тушум касса кирим машинаси хотирасига киритилмаган.

– "Меркурий"нинг заряди тугаб қолган эди, – деди судда ўз кўрсатмасини давом эттириб тадбиркор. – Бу пулларни заряд олгандан сўнг машина хотирасига киритиб қўймоқчи эдим...

Ҳолбуки, текширувчилар дўконга кириб келишганида, у сўнгги харидорга 6300 сўмлик чекни айни ўша "заряди тугаган" машинадан чиқариб бераётган эди. Демак, тадбиркор нақд пул тушумларини касса машинасига киритишни "унутган".

Бугина эмас. Тадбиркор солиқчиларга "Текширувларни рўйхатга олиш китоби"ни тақдим эта олмади. Касса китобини ҳам йўқотиб қўйганлигини баҳона қилди. Шундан кейин текширувчилар савдога қўйилган маҳсулотларни холис гувоҳлар иштирокида кўздан кечира бошлашди. Пировардида 376 турдаги деярли 12 миллион сўмлик 8165 дона маҳсулотга кирим ҳужжатлари йўқлиги маълум бўлди.

– Уларни Тошкент бозорларидан нақд пулга олиб келиб сотаяпман, – деди Баҳодир Толипов.

Суд жараёнида у ўзига эълон қилинган айбларга қисман иқрор бўлди. Лекин Суннат Мирвалиев, Равшан Гизатулин, Ленура Ковалёва, Анвар Юсупов берган кўрсатмалар тадбиркор савдони ташкил этиш мобайнида жиддий камчилик ва қонунбузилишларга йўл қўйганлигини тасдиқлади.

Давлат солиқ инспекцияси юборган 73 дона китобнинг мониторингини ўтказдик, – деди суд мажлисида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази бўлим бошлиғи Анвар Юсупов. – Маълум бўлдики, бу китоблар давлатлараро стандартлар талабига зид, уларнинг айримлари, ҳатто, мамлакатимиз қонунчилиги талабларига ҳам жавоб бермайди. Улар орасида халқимизнинг миллий маънавиятига салбий таъсир кўрсатадиганлари, ахлоқ-одобга тўғри келмайдиганлари ҳам бор.

Суд текширув ҳужжатлари, мана шу гувоҳликларга асосланиб, судланувчи Баҳодиржон Толиповни айбли деб топди ва юқоридаги ҳукмни чиқарди.

Хўш, содир этилган жиноий иш ва унинг хотимасидан қандай хулосалар келиб чиқади? Бу саволга жавоб битта: қайси соҳада фаолият юритиб, тирикчилик ўтказмасин, киши амалдаги қонунларни четлаб ўтишга, бошқа ҳамюртлари ёки юртига фириб беришга ўтдими, куни келиб, насиба кўзаси чил-чил бўлади. Бошқача бўлиши асло мумкин эмас.

Тўғри, маълум вақтгача "иши юришиб", "ошиғи олчи бўлиб" туради. Мол-дунё орттиради, давру даврон суради. Лекин бу ҳолат узоққа бормайди. Одам қанчалик устомон бўлмасин, барибир вақти-соати келиб, ўзи сезмаган ҳолда бир қоқилиши бор. Ўшанда кўза қўлдан учиб кетиб, чил-чил бўлади. Ёшдир, қаридир, ҳаётнинг бу аччиқ ҳақиқатини ҳамиша ёдда тутиш инсон ҳаёти, яқинларининг хотиржамлиги, фарзандларининг камоли учун ниҳоятда фойдали.

Жўрабек МУРОДОВ.

БЕКАЖОН

Дармондори салат

Масаллиқ: 5 та картошка, 2 та бодринг, 60 г. кўк нўхат, 150 г. мол гўшти, 4 ош қошиқ майонез, укроп, туз.

Тайёрлаш: пишган картошка, тузланган бодринг ва пишган гўшт майда кубик шаклида тўғралади. Уларга кўк нўхат қўшилади, туз сепилади ва аралаштирилади. Устидан майонез қуйилади ва укроп билан безатилади.

Бу салатга майда тўғралган чучук қалампир қўшиш мумкин.

Антиқа

Масаллиқ: 6 та картошка, 200 г. сосиска,150 г. кўкпиёз, 4 ош қошиқ майонез, ярим чой қошиқ шакар, петрушка, туз.

Тайёрлаш: картошка пўчоғи билан ва сосиска пиширилиб, совутилади ва ярим ҳалқа шаклида тўғралади. Майда тўғралган кўкпиёз шакар билан қориштирилади. Ҳаммаси аралаштирилиб, туз сепилади, устидан майонез ёки сметана қуйилади, петрушка билан безатилади.

Юқоричирчиқ туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1993 йилда Исманов Уткир Абдимиталипович номига берилган АУ 280551 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный диплом В № 498820 (регистр. № 1118) о высшем образовании, выданный в 2006 году Ташкентским Педагогическим университетом им. Низами на имя Одиловой Руфины Рафиковны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "SOKIN SOXIL BO`YI", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Куйлюк-3, дом 33 (ИНН 300436840, ОКПО 21884724), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 03.05.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 283-01-38.

ООО "XUMO MEBEL" (ИНН 301565435, ОКОНХ 15271) Гувохнома № 004213-05 от 05.04.2010г., зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията С. Рахимовского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Келес йули, пр. Ипакчи, 1., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение собрания № 1 от 02.05.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования объявления.

Утерянные Устав и свидетельство о регистрации, выданные Хамзинским хокимиятом г. Ташкента за реестровым № 001064-07 от 10 июля 2006 года на ООО "SILVER SADER",

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 29.01.2007 йилда № 001375-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 300187416) "TOJINISO FAYZ" хусусий корхонасининг мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини маълум қилади.

"CHAROG`ON MASKAN" МЧЖга Тошкент шаҳар, Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 06.01.2011 йилда 004783-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган, юридик манзили: Кичик халқа йўли кўчаси, (СТИР 301789156, ХХТУТ 83200, КТУТ 23489545) **ТУГАТИЛАДИ** (таъсисчининг 29.04.2011 йилдаги 2-сонли қарори).

Шикоятлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат мобайнида қабул қилинади. Тел.: 435-66-14.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-540. Адади 12658. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.00. 12345